


XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Ҳозирги кунда Ўзбекистон улкан транспорт салоҳиятига ва барча йўналишларда ва транспортнинг барча турларида юклар ва йўловчиларни ташишда мамлакатнинг эҳтиёжларини қондириш учун ноёб имкониятларга эга.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига транспорт соҳасида қарийб 15,2 мингта корхона ва ташкилотлар жалб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг сони 2,2 минг бирликга кўпайди, ўсиш 16,6 % ни ташкил этди.

Транспорт соҳасига тегишли фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг таққосланиши (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2019 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 2,4 минг бирликни ташкил этди. 2018 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан бу кўрсаткич 0,9 минг бирликга кўпайди. Уларнинг ўсиши 1,6 мартага ошди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида транспортнинг барча турлари томонидан 972,4 млн. тонна юклар ташилди, бу 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 106,4 % ни ташкил этади. Шу билан бирга, юк айланмаси 54,0 млрд. т-кмни ташкил этди ёки 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 1,9 % га юқори бўлди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2019 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрга нисбатан %
Транспортда ташилган юклар, млн. т	972,4	106,4
темир йўл транспорти	52,3	102,9
автомобиль транспорти	867,7	107,1
ҳаво транспорти, минг т.	8,0	73,8
қувур транспорти	52,4	98,2
Транспорт юк айланмаси, млн. т-км	53 985,8	101,9
темир йўл транспорти	17 760,4	102,5
автомобиль транспорти	11 943,7	111,5
ҳаво транспорти	72,2	79,0
қувур транспорти	24 209,5	97,4

Маълумот учун: 2019 йил январь-сентябрь ойларида Қозоғистон корхона ва ташкилотлари томонидан 3 063,4 млн. тонна юк ташилган. Қирғизистонда транспортнинг барча турларида юк ташиш ҳажми 24,1 млн. тоннага тенг бўлган.

Транспортнинг барча турларида юк ташиш бўйича автомобиль транспорти (867,7 млн. тонна) устунлик қилади. Қувур транспорти орқали 52,4 млн. тонна нефть ва газ қуйилган, темир йўл транспорти орқали – 52,3 млн. тонна юк ташилди. Юк ташиш бўйича энг кичик кўрсаткич ҳаво транспортида - 8,0 минг тонна қайд қилинди.


Умумий юк ташиш ҳажмида энг юқори улушни автомобиль транспорти – 89,2 % эгаллайди, бошқа транспорт турларида юк ташиш улуши 10,8 % га тўғри келади.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)




2019 йил январь-сентябрь ойларида транспортнинг барча турларида юкларни ташишнинг жадал ўсиши кузатилмоқда. 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан юк ташиш ҳажми 58,3 млн. тоннага ошиб, ўсиш суръати 1,0 ф.п. га ўсди.

Транспортнинг барча турларида юк ташиш ва юк айланмасининг ўсиш суръатларини таққосланиши, %




2019 йил январь-сентябрь ойларида умумий юк айланмаси ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,9 % ни ташкил этди.

**Транспорт турлари бўйича юк айланмасининг
ҳажми ва ўсиш суръатлари
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



Жорий даврда қувур транспорти юк айланмасининг ўсиш суръатларини камайиши кузатилмоқда, бу 97,4 % ни ташкил этди, 2018 йил январь-сентябрь ойларидаги 111,0 % га нисбатан 13,6 ф.п. га камайди. Автомобиль транспортининг ўсиш суръатлари 111,5 % га етди ва 2018 йил январь-сентябрь ойларидаги 103,3 % га нисбатан 8,2 ф.п. га ошди.

**Транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



Умумий юк айланмаси ҳажмида 44,9 % улуш қувур транспортига, 32,9 % улуш темир йўл транспортига, 22,1 % улуш автомобиль транспортига ва 0,1 % улуш ҳаво транспортига тўғри келади.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2019 йил январь- сентябрь	Жами ҳажмга нисбатан улуши, %	2018 йил январь- сентябрга нисбатан %
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	4 569,1	100,0	103,0
темир йўл транспорти	17,6	0,4	103,5
автомобиль транспорти	4 489,4	98,3	102,9
ҳаво транспорти	2,3	0,05	117,9
шаҳар электр транспорти	59,8	1,3	112,3
<i>шундан:</i>			
метрополитен	56,1	1,2	112,7
трамвай	3,2	0,07	103,3
троллейбус	0,5	0,01	129,8
Транспорт йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	106 375,1	100,0	104,3
темир йўл транспорти	3 343,7	3,1	101,2
автомобиль транспорти	94 421,1	88,8	102,9
ҳаво транспорти	8 168,7	7,7	125,7
шаҳар электр транспорти	441,6	0,4	112,5
<i>шундан:</i>			
метрополитен	408,7	0,4	112,7
трамвай	18,6	0,02	98,7
троллейбус	14,3	0,01	130,2

Маълумот учун: Қирғизистонда йўловчилар ташиш кўрсаткичи 559,1 млн. йўловчига тенг бўлди. Қозоғистонда 17 586,6 млн. йўловчи ташилган.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспорти етакчилик қилмоқда. Унинг жами йўловчи ташиш ҳажмидаги улуши – 98,3 % ни ташкил этади.


Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



98,3 %
Автомобиль



1,3 %
Электр




0,4 %
Темир йўл



0,05 %
Ҳаво йўли

Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи ташиш 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 3,0 % га ошиб, 4 569,1 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 106,4 млрд. йўловчи-кмга етиб, 4,3 % га ошди.

Йўловчи айланмасининг ўсиш суръати, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)




Йўловчи айланмаси бўйича юқори ўсиш суръатлари ҳаво транспортида – 125,7 % ва электр транспортида – 112,5 % кузатилди. Автомобиль транспортида бу кўрсаткич 102,9 % ни ва темир йўл транспортида 101,2 % ни ташкил этди.

Темир йўл транспорти

2019 йил январь-сентябрь ойларида юқлар темир йўл транспорти орқали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 448,5 минг тонна кўп ташилди. Темир йўл транспорти юк айланмаси 17 760,4 млн. тонна-кмга етди. Ўтган йилнинг мос даврида юк айланмаси 17 334,2 млн. тонна-кмни ташкил этди.

Темир йўл транспорти юк ва йўловчи айланмасини таққосланиши



Таққослаш учун 2018 йил январь-сентябрь ойларида темир йўл транспорти йўловчи айланмаси 3 304,8 млн. йўловчи-кмга тенг бўлган.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан магистрал темир йўл транспорти орқали юқларни жўнатиш 2,9 % га ошиб, 52,3 млн. тоннани ташкил этди.

Темир йўл транспорти орқали ўртача бир кунда юқларни жўнатиш 191,5 минг тоннани ташкил этди ёки 2018 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан 2,9 % га ошди. Бир тонна юк жўнатишнинг ўртача масофаси 339,8 кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасидан 0,4 % га паст бўлди.


**Магистрал темир йўл транспортида ортилган
асосий турдаги юклар кўрсаткичи
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**

	<i>Ҳажми, минг тонна</i>	<i>Жами ҳажмга нисбатан улуши, %</i>	<i>2018 йил январь- сентябрга нисбатан %</i>
Юклар – жами	52 272,7	100,0	102,9
<i>шундан:</i>			
кўмир	3 499,9	6,7	88,4
нефть юклари	4 569,5	8,7	92,9
турли рудалар	4 008,5	7,7	101,0
қора металллар	940,1	1,8	120,3
қора металл парчалари	617,5	1,2	91,5
кимёвий ва минерал ўғитлар	2 847,7	5,4	109,8
қурилиш юклари	4 422,8	8,5	104,5
цемент	3 806,9	7,3	102,8
ёғоч юклари	25,1	0,05	135,8
пахта толаси	182,7	0,3	168,1
дон ва ёрмалар	1 102,5	2,1	75,4
картошка, полиз маҳсулотлари ва хўл мевалар	155,5	0,3	65,9
бошқа юклар	26 094,0	49,9	107,9

Автомобиль транспорти


Шунингдек, автомобиль транспорти юк ва йўловчиларни ташишда муҳим аҳамиятга эгадир. Автомобиль транспортининг юк айланмаси 11,5 % га ошиб, 11,9 млрд. т-кмни ташкил этди.

Автомобиль транспортининг юк ва йўловчи айланмасини таққосланиши




Автомобиль транспорти орқали 867,7 млн. тонна юк ташилди, бу 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 7,1 % га кўпдир.

Автомобиль транспортининг юк ташиш ҳажми ва ўсиш суръатларининг таққосланиши




Худудлар орасида йўловчи ташиш таркибининг катта қисмини Тошкент ш. эгаллайди. 2019 йил январь-сентябрь ойларида унинг улуши 20,4 % га тенг бўлди. Энг кичик кўрсаткич Сирдарё вилоятида қайд этилди, 1,4 % ни ташкил этди.

**Худудлар бўйича автомобиль транспортида
йўловчи ташиш таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



Ҳаво транспорти орқали жўнатилган юklar 8,0 минг тоннани ташкил этиб, 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 26,2 % га паст бўлди. Юк айланмаси 21,0 % га камайиб, 72,2 млн. т-кмни ташкил этди.

**Ҳаво транспорти юк ва йўловчи
айланмасининг таққосланиши**



Ҳаво транспортида 2 269,2 минг киши ташилди, бу 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 17,9 % га кўпдир, йўловчи айланмаси эса 25,7 % га ошиб, 8 168,7 млн. йўловчи-кмни ташкил этди.

Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2018 йил январь-сентябрь ойларидаги 86,9 % ўрнига 82,2 % ни ташкил этди, 3 375 авиапарвоз кечиктирилган, 5 та авиапарвоз бекор қилинган. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 5,6 ф.п. га камайиб, 80,6 % ни ташкил этди (2018 йил январь-сентябрь ойларида – 86,2 %).

Ҳаво кемаларининг жами кечикиш вақти 3 043 самолёт-соатни ташкил этиб, 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 1,9 мартага кўпайган. Кечиктирилган парвозларнинг ўртача давомийлиги 16,9 % га ошиб, 54 минутни ташкил этди.


Электр транспортида 59 824,6 минг йўловчи ташилиб, 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 112,3 % ни ташкил этган. Электр транспортининг йўловчи айланмаси 441,6 млн. йўловчи-кмни ташкил этган бўлиб, бу 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 12,5 % га кўпдир.

Электр транспортида йўловчи ташиш (93,7 %) ва йўловчи айланмасида (92,6 %) энг юқори улуш метрополитен ҳиссасига тўғри келади.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 12,7 % га ошган.


Трамвайда 3 235,4 минг йўловчи ташилган, бу 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 3,3 % га кўпдир. Трамвайнинг йўловчи айланмаси 18,6 млн. йўловчи-кмни ташкил этди.

Электр транспортида йўловчи ташиш таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)




Магистрал қуурлар орқали 52,4 млн. тонна газ куйилган, бу 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 1,8 % га камдир. 2019 йил январь-сентябрь ойларида 40,3 минг тонна нефть куйилган (4,3 % га кам). Магистрал қуурларнинг юк айланмаси 2,6 % га камайди ва 24,2 млрд. т-кмни ташкил этди.

Қуур йўли транспортида юк ташиш таркиби
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



2019 йил январь-сентябрь ойларида йўл-транспорт ходисалари сони 5 207 бирликни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 1 029 бирликга камайган (-16,5 %).

Йўл-транспорт ходисалари сонини
ҳудудлар бўйича таққосланиши, бирлик




Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар орасида йўл-транспорт ҳодисалари сонининг камайиши Тошкент шаҳрида (-123 бирлик), Наманган (-205 бирлик), Тошкент (-166 бирлик) ва Самарқанд (-154 бирлик) вилоятларида қайд этилди.

Жорий даврда йўл-транспорт ҳодисалари сонининг ўсиши қайд этилмади.

Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сони ҳам камаймоқда. 2019 йил январь-сентябрь ойларида жабр кўрганлар сони 4 821 кишини ташкил этиб, 1 043 кишига (-17,8 %) камайиши кузатилди.

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сонининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши, киши




Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича энг паст кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (-148 киши), Тошкент (-201 киши), Наманган (-182 киши) ва Самарқанд (-141 киши) вилоятларига тўғри келади.

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сонининг бироз даражада камайиши Андижон (-30 киши), Хоразм (-29 киши), Навоий (-26 киши), ва Сирдарё (-5 киши) вилоятларида қайд этилди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида болалар иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари 876 бирликни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105 бирликга (-10,7 %) камайди.

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрган болаларнинг умумий сони 752 кишини ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104 кишига (-12,1 %) камайди.

Йўл-транспорт ҳодисасида жабр кўрган болалар сонини ёши бўйича таққосланиши, киши



Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисасида жабр кўрган болаларнинг умумий сонидан 1-7 ёшгача бўлган болалар улушига 37,8 %, 8-15 ёшгача бўлган болаларга 62,2 % тўғри келади.


2018 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан йўл-транспорт ҳодисасида 1-7 ёшгача бўлган жабр кўрган болалар сони 48 кишига камайди ва 284 кишини ташкил этди. 2019 йил январь-сентябрь ойларида 8-15 ёшгача бўлган жабр кўрган болалар сони 56 кишига камайгани қайд этилди. Ушбу ёшдаги жабр кўрган болаларнинг умумий сони 468 кишини ташкил этди.

Алоқа ва коммуникация соҳаси

2019 йил январь-сентябрь ойларида алоқа хизматлари ҳажми 6 643,3 млрд. сўмга тенг бўлди ва ўтган йилга нисбатан (амалдаги нархларда) 2,0 % га ўсди.

Мобиль алоқа хизматлари (Интернетни кўшган ҳолда) умумий алоқа хизматлари ҳажмида 60,2 % ни ташкил этди ва 3 997,8 млрд. сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани 3 452,9 млрд. сўмга тенг бўлди.

Алоқа хизматлари таркиби, %
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан (амалдаги нархларда) мобиль алоқа хизматлари 6,2 % га, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани – 11,1 % га камайди.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони 23 226,6 минг кишини, шу жумладан аҳолида 22 510,6 минг абонентни ташкил этди. Аҳолининг мобиль алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 67 бирликни ташкил этди.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 492 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг умумий сони эса 274 бирликни ташкил этди.

2019 йил январь-июнь ойлари билан таққослаганда халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти 1200,0 Гбит/с даражасида қолди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти – аҳолининг ва иқтисодиётни барча тармоқларининг йўловчилар, багажлар ва юклар, шу жумладан почталарни автомобилларда ташишга бўлган эҳтиёжларини тижорат асосида таъминловчи транспорт;

автотранспорт воситалари – йўловчилар, багажлар, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи-автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар;

мавжуд автотранспорт воситалари – ташкилот балансида бўлган, техник ҳолатидан ва автомобилнинг жойлашган жойидан (таъмирлашда, хизмат сафарида, консервацияда, ижарада) қатъий назар, барча турдаги, маркадаги ва моделдаги автомобиллар сони;

автомобиль – энергия манбаси орқали ҳаракатга келтириладиган, иккитадан кам бўлмаган ўқда жойлашган камида тўртга ёлдиракка эга бўлган, йўлларда ҳаракатланиш учун мўлжалланган ва йўловчилар, багажлар, юкларни ташиш ҳамда махсус ишларни бажариш учун фойдаланиладиган механик транспорт воситаси;

йўловчи автомобили – ўзининг тузилиши ва жиҳозланиши жиҳатидан йўловчилар ва багажларни ташишга мўлжалланган, зарур қулайлик ва хавфсизлик билан таъминланган автомобиль;

юк автомобили – юкларни ташишга мўлжалланган, қаттиқ рамали механик йўл транспорт воситаси; юк автотранспорт воситалари фойдаланиш характери ва конструктив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумий ва ихтисослаштирилган воситаларга бўлинади;

автобус, микроавтобус – йўловчиларни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда саккизтадан ортиқ ўтириш ўриндигига эга бўлган, қаттиқ рамали механик йўл транспорт воситаси;

енгил автомобиль – ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда, сифими саккиз кишигача бўлган йўловчи автомобили. Енгил автомобиллар сонига почта ташишга мўлжалланган, санитария ва бошқа махсус енгил автомобиллар қўшилмайди;

йўналишли такси – йўловчилар талабига кўра тўхтаган ҳолда мунтазам йўналишларда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль);

йўналишсиз такси – таксометр (ҳисоблагич)нинг кўрсаткичи бўйича тўлов тўланадиган, йўловчилар буюртманомалари бўйича ташиш хизматлари кўрсатадиган автотранспорт воситаси;

пикап ва енгил фургон – кузови енгил автомобиль шассисига мослаштирилган, юк кўтариш қобилияти юқори бўлмаган юк ва юк-йўловчи автомобиллари;

ташилган юклар (юк ташиш ҳажми) – юк автомобилларида, шу жумладан автотиркамаларда, ташилган юклар миқдори ҳар бир қатнов учун юкнинг тара ёки контейнерлар оғирлигини ҳисобга олган ҳолдаги ҳақиқий оғирлиги бўйича аниқланади (тоннада ўлчанади). Ташилган юк ҳажмини автомобилнинг техник тавсифномасида кўрсатилган юк кўтариш қобилияти бўйича аниқлаш, фақатгина ташилган юкнинг ҳақиқий оғирлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин;

юк айланмаси – транспортнинг юк ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги тонна-километр ҳисобланади. Транспортнинг юк айланмаси ташилаётган юкнинг ҳар бир жўнатмаси оғирлигини уни ташиш масофасига кўпайтмасининг йиғиндиси орқали аниқланади;

ташилган йўловчилар – маълум вақт давомида автомобиль воситаларида турли қатнов турлари бўйича ташилган йўловчилар сони (статистик кузатув бирлиги бўлиб йўловчи-қатнови ҳисобланади);

йўловчи айланмаси – транспортнинг йўловчи ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги йўловчи-километр ҳисобланади. Ҳар бир ташиш бўйича йўловчилар сонини ташиш масофасига кўпайтмасини йиғиндиси орқали аниқланади. Қатнов турлари ва бошқа белгилар бўйича алоҳида ҳисобланади;

ташиш масофаси – объектни жўнатиш нуқтасидан белгиланган нуқтагача ташиш (транспортда ташиш) масофаси (километрда ўлчанади);

юкларни ташишнинг ўртача масофаси – ўртача бир тонна юк ташиладиган масофа. Бутун автотранспорт бўйича, алоҳида юклар ва қатнов турлари бўйича юк айланмасини (тонна-километрда) ташилган юклар ҳажмига (тоннада) бўлиш орқали аниқланади;

йўловчиларни ташишнинг ўртача масофаси – ўртача бир йўловчи ташиладиган масофа. У бутун автотранспорт ва қатнов турлари бўйича йўловчи айланмасини (йўловчи-километрда) ташилган йўловчилар сонига бўлиш орқали аниқланади;

умумий босиб ўтилган масофа (километр) – транспорт воситасининг гаражга (тўхташ жойига) қайтиши ва гараждан (тўхташ жойидан) чиқиб кетиши вақтидаги спидометр кўрсаткичлари ўртасидаги бир кунлик фарқни ифодалайди. Умумий босиб ўтилган масофа, ҳисобот даври мобайнида барча фойдаланилаётган автомобилларнинг ҳар кунлик босиб ўтган масофаларини йиғиндиси орқали аниқланади;

шаҳардаги ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудидан чиқмаган ҳолда амалга ошириладиган ташувлар;

шаҳар атрофидаги ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километр бўлган масофагача амалга ошириладиган ташувлар;

шаҳарлараро ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километрдан кўпроқ бўлган масофага амалга ошириладиган ташувлар, шунингдек масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ вилоятлари ҳудудида амалга ошириладиган ташувлар;

ҳалқаро ташувлар – масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегарасидан ичкарига амалга ошириладиган ташувлар;

йўл-транспорт ҳодисаси - транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган ва унинг иштирокида фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса;

амалдаги нархларда **алоқа ва коммуникация хизматларини ишлаб чиқариш** мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади;

мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони – мобиль алоқа тизимларига уланган абонент радиостанциялар сони;

ҳалқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти – бир вақтнинг ўзида узатилган ёки қабул қилинган максимал ахборот миқдори бўйича аниқланади.